

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 12 март, Душанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 47 (10.856)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Пойтахтимиз хунармандлари Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2007» кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ўз маҳоратларини намойиш этишди. СУРАТДА: хунари гўзаллар — наққош Қажрамон Шомансуров ва ёғоч ўймаkori Камолитдин Раҳимов. Ҳакимжон Солиқов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КЎЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кўчлари резервида бўшатилинсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2007 йилнинг апрель-

май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кўчлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик

чақируви резервиге олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳуқуқидоғи Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 7 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

9 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисини 2007 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қатор қонунларни киритиш режалаштирилмоқда. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибидега киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-банди,

102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни киритилди.

Парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгар-

тишлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Йул ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Йод етишмаслиги касаллигини профилактикаси тўғрисида»ги, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Хомийлик тўғрисида»ги, «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисида»ги Шартнома (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам кўриб чиқиш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органла-

рининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги маълумотларини ҳам киритиш тақдирини қарор қилди.

Кенгаш Олий Мажлис юқори палатаси қўмиталари ҳамда Девонининг тўққизинчи ялпи мажлисга тайёрлаган кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш вазифасини Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Мухитдинова зиммасига юклди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Хитой Халқ Республикасидан ташриф буюрган йирик бизнес вакиллари, шунингдек, турли вазирлик ва идораларнинг етакчи мутахассисларидан иборат делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржасида бўлишди.

●Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси ташаббуси билан «Санъат гулшани» маданият саройида «Жамиятнинг фидойи аёллари» деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

●Наманган Санъат коллежиде мусиқа ва санъат мактабларининг фортепиано, торли чолгулар ҳамда эстрада хонандалари бўлимларида таҳсил олаётган ўғил-қизларнинг «Санъат гунчалари» ҳамда ёш чолғучиларнинг Мухтор Ашрафий номидаги республика кўрик-танловининг вилоят босқичи беллашувлари бўлиб ўтди.

●Сурхондарё вилояти, Музработ туманидаги «Тадбиркор-фермерсервис» хусусий корхонаси 20 турдаги сифатли, қулай ва арзон нарҳлардаги мактаб мебелларини ишлаб чиқаради. Ўтган йили хусусий корхонада 60 миллион сўмликдан ортиқ замонавий махсулотлар ишлаб чиқарилиб, улар янги коллежлар ҳамда қишлоқ туманларидаги ҳар хил муассасаларни жиҳозлаш мақсадида харид қилинди.

●Ромитан туманидаги «Ромстар» қўшма корхонасига буюртмачилар ҳамда бухоролик пилла етиштирувчиларнинг ишончи тобора ошмоқда. Хусусан, ўтган йили касаначилик асосида пилла етиштирувчилар қўшма корхонани 400 тонна «қумуш тола» билан таъминлаган бўлсалар, «Ромстар» жамоаси Эрон, Туркия, Вьетнам мамлакатларидаги буюртмачиларга 1 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдорда махсулот сотди. Тез орада «Ромстар»нинг Хива шаҳридаги филиали ҳам иш бошлади.

●Банк фаолиятини оқилона тарзда юритиш ҳисобига республикадаги активларнинг ҳажмига кўра тўртинчи ўринда бораётган АК «Пахтабанк» ўтган йилги кўрсаткичларини 44 фоизга оширишга муваффақ бўлди. Бугунги кунда АК «Пахтабанк»нинг активлари 500 миллиард сўмликдан кўп миқдорни ташкил этса, сармоясини эса 66,2 миллиард сўмдан иборат.

●Навоий кон-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармаси ҳузурида «Боржом» суви ишлаб чиқарадиган кичик корхона иш бошлади. Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги «Нагорная» сикаттоҳи ҳудудида жойлашган булоқлардан олинаётган ушбу сув шифобахшлиги билан ажралиб туради.

●Янгийўл туман фермер аёллар уюммаси Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги ўқув муассасалари билан ҳамкорликда фермерлар билимини оширишга ҳаракат қилмоқда. Қўзда тутилган дастур доирасида Халқобод қишлоқ ҳўжалик коллежи ва Гулбаҳор шаҳарчасидаги саноат коллежиде ташкил этишган курсларда тумандаги 200 дан ортиқ фермерлар таълим олмоқда.

●Сурхондарё вилоятидаги «Сурхонпахта» очик акциядорлик жамиятида турли зараркунадаларга қарши дориланган 900 тоннадан зиёд чигит тайёрлаб қўйилди.

ЖАҲОНДА

●Кеча Россия Федерациясининг 14 та минтақасида минтақавий парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайловлар илк бор Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида партиявий рўйхатлар асосида ташкил этилди.

●Мавританияда 2005 йилги тўнтаришдан сўнг биринчи марта Президентлик сайловлари ўтказилмоқда. Давлат раҳбари лавозимига 19 киши даъвогарлик қилаётган бўлсада, улардан учтасининг имкониятлари юқори баҳоланмоқда.

●АҚШ Президенти Жорж Буш ўзининг Лотин Америкаси бўйлаб сафари давомида ўта кучайтирилган хавфсизлик чора-тадбирлари остида Уругвайда бўлиб, мамлакат Президентининг қўлга бўйлаб сафари кеча Колумбияда ниҳоясига етди.

●Бангладешнинг муваққат ҳукумати мамлакатда фавулодда ҳолат эълон қилингандан сўнг ҳар қандай сиёсий фаолиятни ҳам вақтинча таъқиқлади. Шунингдек, армия қўллаб-қувватлаётган ушбу ҳукумат коррупцияга қарши янги кампанияни бошлаб юборди. Қуни кеча собиқ бош вазир Халид Зи ва марҳум президент Зия ул-Раҳмоннинг ўғиллари коррупцияга алоқадорликда гумон билан ҳибсга олинди. Шунингдек, бир қанча юқори лавозимли шахсларнинг уйида тинтув ўтказилди.

●МАГАТЭ Эрон билан ядро соҳасида амалга ошираётган 26 та дастурни тўхтатиб қўяди. Халқаро агентлик бошқаруви кенгашининг Австрия пойтахти Венада бўлиб ўтган йиғилишида шундай қарор қабул қилинди.

●Конгода катта миқдорда уран моддаси йўқолди. Мамлакат Атом энергияси маркази раҳбари уран контрабандаси билан шугулланганликда гумон қилиниб, қамоққа олинди.

●«Forbes» журнали жаҳоннинг энг бой кишилари рўйхатини эълон қилди. Унга кўра бугунги кунда дунёда 946 нафар миллиардер истикомат қилмоқда ва ушбу кўрсаткич ўтган йилгидан 150 нафарга кўпдир. Мана 13 йилдирки, ушбу рўйхатни Билл Гейтс (56 миллиард доллар) бошқариб келмоқда. Иккинчи ўринни эса Уоррен Баффет 52 миллиард долларлик сармояга эга бўлган ҳолда банд этиб турибди. Таъкидлаш жоизки, илк бор журнал рўйхатига Сербия ва руминиялик миллиардерлар ҳам киритилди.

Касба сатрларда

●«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида Наврўз айёми олдидан талабалар иштирокида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилди.

●ШАҲРИМИЗДА санъат ихлосмандларига намойиш этилган миллий хунармандчилик намуналари кўргазмаси «Накшлар жилоланганда» деб номланди.

●2-РЕСПУБЛИКА тиббиёт коллежиде ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Маънавий кадрлар тарбияси—ажодлар ўғитида» мавзусида тадбир ўтказилди.

●МИРЗО Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде талабаларнинг шоирлар Фулом Мирзо ва Салим Ашурлар билан учрашуви уюштирилди.

●ТОШКЕНТ Банк коллежиде ўқувчи қизлар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Коллежнинг энг ифтидли кизи» деб номланди.

●ҲАМЗА туманидаги 161- мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида фавулодда вазиятларда аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўтказилган наватбатдаги ўқув машғулотини Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Ҳамза туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

●МИРЗО Улугбек туманида «Камолот» ЁИХ фаолияти ташаббуси билан уюштирилган «Касбга меҳри жўшқин қизлар» мавзусидаги кўрик-танловда пойтахт вилоятидан келган иштирокчи қизлар беллашди.

●БЕКТЕМИР туманидаги 289-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, ИИБ вакиллари, шифокорлар иштирокида ўтказилган «Ёшлар — гивандликка қарши» мавзусидаги тадбир туман халқ таълими бўлими, туман ИИБ ҳамда «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилди.

Ўлкамизда Наврўз нафаси

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

10, 11 МАРТ КУНЛАРИ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

АЗАЛИЙ УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ГҮЛТОҶИ БЎЛГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ МАҚСАДИДА АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИДА БУТУН РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ КАБИ ЕТТИ ЁШДАН ЕТИШ ЕШГАЧА БЎЛГАН ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ҲАМ БАЖОНИДИЛ ИШТИРОК ЭТИБ, ПОЙТАХТИМИЗ ОБОДЛИГИГА ЎЗЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАЛАРИНИ ҚўШДИЛАР. ЯНГИ КҮН, ЯШАРИШ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ҲАММАЁҚНИ ОЗОДАЛАБ, САРАНЖОМ-САРИШТА ҚИЛИШГА ШАЙЛАНГАН КАТТА-Ю КИЧИК ИККИ КҮН ДАВОМИДА АРИҚ-ЗОВУРЛАРНИ ЧИҚИНДИЛАРДАН ТАЗАЛАБ, ҚУРИГАН ДАРАХТЛАРНИ ОЛИБ ТАШЛАБ, МЕВАЛИ ВА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР, ГҮЛ ВА БУТАЛАРНИ ЭКИБ, ХИББОН, ҚАБРИСТОН ВА ЗИЁРАТҲОҲЛАРНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРДИЛАР. ҚҮЙИДА ҲАШАР КҮНЛАРИ ТУМАНЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ОРАСТАЛАШ ВА КўКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИБ ЎТАМИЗ.

БЕКТЕМИР
Шаҳримизнинг энг кенжа Бектемир туманида ҳам икки кунлик умумхалқ хайрия ҳашарида 10 мингдан зиёд аҳоли фаол қатнашди. Шу кунлари хашарчилар ёрдамида 10 гектарлик худуд супуриб-сидирилди, орасталаниб, тозаланди. Ушқоқлик билан, кўтаринки руҳда 20 минг туп дарахтлар оқланди, 5 мингта дарахтлар тағлари юмшатилиди, 2 мингта игна баргли арча ҳамда манзарали сафурда дарахтлари ўтказилди. Шунингдек, 2,5 мингта атиргул буталари экилди. Ҳашарчилар кўмагида икки кун давомида 12 минг погон-метр арик, зовур, сув иншоотлари чиқиндилардан тозаланди.

Ушбу хашарда ёшу қари, маҳаллалар аҳолиси, «Сувмаш», «Норуда», «Қуювме-ханика заводи», «Мармакс» каби корхоналарнинг жамоалари, ўқувчиларда яшаб турган уйи, маҳалласи, ишхонаси, ўқиш жойларини яшатиш, янада ободонлаштириш истаги жўш урди. Уларнинг сый-ҳаракатлари туфайли 14 та махсус транспорт воситалари ёрдамида 100 тоннадан ортиқ турли маиший ва қурилиш чиқиндилари, ахлатлар шаҳар ташқарисига олиб чиқиб кетилди.

Этиборли томони, хашардан тушган маблағ «Маҳалла» жамғармасига ўтказилиб, маҳаллалар ободонлиги, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак берилди.

хос нишонлашни ният қилган мирободликлар икки кун давом этган умумхалқ хашарида гайрат-шижоат кўрсатишди.

Ўз уйи, ҳовлиси, маҳалласи, кўчаси ободлиги ва кўкаламзорлигига ҳисса қўишни бурчи деб билган кексаю ёш ҳамжихатликда меҳнат қилгани боис ҳам кўллаб йиғилиб қолган юмушлар бажарилди, барчанинг бир-бирига мадад бўлганлиги кўзланган мақсадга эришишда кўл келди.

Тумандаги 39 та маҳаллада, корхона, ташкилот ва муассасаларда икки кун мобайнида 80 мингдан зиёд киши хашарда иштирок этди. Кўп қаватли уйлар ён-атрофларини тозалаш ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Яшовчиларга қулайликлар яратиш мақсадида 420 та ўриндик ўрнатилди.

Албатта, ўтган йилларда экилган довдарахтлар парваришига эътибор қаратилгани ҳолда, янги ниҳоллар ҳам ўтказилди. 21 мингтадан зиёд гул қўчатлари кўча ва хиёбонларни беэади, 9 мингга яқин дарахтлар оқланди, 7880 тасига шакл берилди, 31 950 погон-метр арик ва зовурлар тозаланди, 48,5 километр худуд ободончилиги амалга оширилди. Айниқса, хашарчиларга ажратилган 115 та техника воситалари ҳақиқий маддадор бўлиб, тўпланган чиқинди ва ахлатларни ташиб чиқаришди. Гузарлар чирой очди, 60 та болалар майдончаси тартибга келтирилди, 3 та бозор ва туман худудидаги қабристонларда ҳам ободонлаштириш ишлари бажарилди.

(Давоми 2-бетда).



Ўлкамизда Наврўз нафаси

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

(Давоми. Боши 1-бетда)
МИРЗО УЛУҒБЕК

Мирзо Улуғбек туманида ҳам хайрия ҳашари кўтаринки руҳда бошланиб ҳамжиқатлик билан ўтди. Туман аҳолиси қалбларига катта иштиёқ билан шахримизни янада обод ва кўркам бўлиши, уни чаманзорга айлантириш учун яхши ниятлар билан ўз ҳиссаларини қўшишга ошқиндилар.

— Умумхалқ ҳашарида туманимизнинг 179.900 нафар аҳолиси фаол иштирок этди.—дейди Мирзо Улуғбек тумани «Маҳалла» жамғармасининг масъул котиби Мурод Турсунходжаев.—Икки кун давомида туманимиз 775,7 гектар майдонда ободонлаштирилиб, 96151 погон-метр ирригация шохобчалари чиқиндилардан тозаланди. 13 та қабристон ва зияратгоҳлар тартибга келтирилди. 27920 та дарактларга шакл берилиб, оқланди. Туман ҳудудига жами 5350 туп мевали, 6991 туп манзарали даракт кўчатлари, шунингдек, 10.100 туп турли хил анвойи гул кўчатлари ўтказилди. 94 та техника воситалари жалб қилиниб, 699 тонна маший ва қурилиш чиқиндилари ҳашар ташқарисига чиқариб ташланди.

Туман аҳолиси ўзининг саховатпешалиги, бирдамлигини ҳашар кунлари яна бир бор намоён этди. «Юзраб» маҳалласидаги 16-уйнинг томи маҳалла ташаббуси билан таъмирдан чиқарилди. Шу билан бирга «Бўз-8» маҳалласидаги кам таъминланган оиланинг уйи жорий таъмирланди. Шунингдек, ҳашар кунлари тумандаги кам таъминланган оилаларга 670 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Алишер Навоий номи маҳалла фаоли Дилбар Мусаева маҳаллани кўкalamзорлаштириш учун ўз ҳисобидан 1000 туп арча кўчатларини келтириб, маҳалла аҳлини яна ҳам қувонтирди.

СЕРГЕЛИ

Туман ҳудудида жойлашган қорхона, ташкилот, 33 та маҳалла, касб-хўнар коллежлари ва мактаблар жамоалари, ўқитувчи ва ўқувчилар умумхалқ ҳашарида қатнашиб, кўпчилигининг куч-ғайрати билан нималарга эришиш мумкинлигини амалда кўрсатдилар. 30.400 нафар аҳоли иштирок этган тозалик ва кўкalamзорлаштириш тадбирида 19 гектар ер ободонлаштирилди, 54 минг погон-метр арқ ва зовурлар тозаланди, 7 та қабристон ва зияратгоҳлар тартибга келтирилди. Йилгилан 19000 тонна чиқиндилар 29 та техника воситасида олиб чиқиб ташланди. Шунингдек, 1560 туп мевали, 2170 туп манзарали дарактлар экилди. 1800 та дарактларга шакл берилиб оқланди, 4150 туп атиргул ва бошқа мавсумий гул кўчатлари ўтказилди.

— Туманимизда 33 та маҳалла бор,— дейди туман «Маҳалла» жамғармаси бош мутахассиси Гулназ Атамбердиева.—Хар бир маҳалла ўз ҳудудининг тоза, тартибли бўлишига масъул бўлди. Энг муҳими, амалга оширилган кенг қўламдаги ободонлаштириш ва орас талаш ишларидан ташқари, ҳашар кунлари ёрдамга муҳтож 25 та хонадонларнинг уйлари ҳам таъмирланди, шароити яхшиланишига кўмак берилди. Тумандаги кўмакка муҳтож оилалар учун 962.000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бир сўз билан айтганда, эзгуликлар йўлоши бўлган Наврўзимизни — омборимиз дунга, хонадонимиз нурга тўлган кунни дилда эзгу тилак, ёруғ юз билан кутиб олишга муносиб тайёргарлик кўрилди.

СОБИР РАҲИМОВ

Умумхалқ ҳашари кунлари маҳалла оқсоқоллари, фаоллар, нуруний отахон оналар асосий ишларга бош-қош бўлиб барчага ибрат кўрсатдилар. —Туманимизда 58 та маҳалла бўлиб, уларнинг барчасида кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди,— дейди туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Абдумавлон ака Раҳимов.—Айниқ-

са «Хастимом» мажмуаси атрофидаги «Намуна», «Истиқлол», «Қорасарой», «Хастимом» маҳаллаларида, яқинда ишга тушадиган 28-мактаб биносига, «Гуручарик» маҳалласида қад ростлаётган маҳалла маркази биносига қурилиш ва ободонлаштириш ишларига катта ҳисса қўшилди. Катта ҳалқа йўли ва кўча юзларига 20.000 дан ортиқ атиргул, шойиғул, 10.000 туп игна баргли даракт, 800 та тираклар экилди. 22 минг погон-метр ирригация тармоқлари тозаланди, 36 та кўп қаватли уйлар атрофлари ободонлаштирилди. Бундан ташқари тумандаги камхараж, кам таъминланган оилалар, ногирон, боқувчисини йўқотган хонадонларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди. Меҳрибонлик ва саховат уйларига ҳам моддий ёрдам берилди.

Туманимизда фақат ҳашар кунлари эмас, балки ҳар доим беморларга, кўмакка муҳтожларга ёрдам кўрсатилади. Ниятимиз, юрт ободлиги, тинчлиги-хотиржамлигига муносиб ҳисса қўшишдир.

УЧТЕПА

Учтепа туманида бўлиб ўтган умумхалқ ҳашари ҳам халқимизга хос бўлган бағрикенглик, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларнинг ёрқин тинчлиги бўлди. Икки кун давомида тумандаги мавжуд 53 та маҳалла, 5 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 12 та ўрта махсус ўқув юрлари, 36 та мактаб, 53 та мактабгача таълим муассасалари, 74 та кўшма қорхоналар ходимлари, талабалар, ўқувчилар ва қариялар бир ёқадан бош чиқариб ҳамжиқатликда тозалаш, ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ишларини олиб бордилар.

105000 минг нафар киши иштирок этган ҳашарда, 71 гектар ҳудуд ободонлаштирилиб, 56210 та дарактларга шакл берилди ва оқланди. Шунингдек, 24320 та мевали, 10500 та манзарали, 68500 та турли хилдаги гул кўчатлари ўтказилди.

Тумандаги Саид Ваққос ота, Чўпонота ва Катта Қабни қабристонларини тозалаш ва ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Фарҳод, Зиё Саид, Истироҳат, Ширин, Қатортол кўчалари тўлиқ асфальтланди, кўча атрофлари тартибга келтирилди. Кўчаларнинг тоза ва покиза бўлиши борасида туман автокорхоналари ҳам беминнат хизмат кўрдилар. Тумандаги кам таъминланган ва ночор оилаларнинг уй жойлари ҳашар йўли билан жорий таъмирдан чиқариб берилди.

ЧИЛОНЗОР

Чилонзорликлар ҳам умумхалқ ҳашарида эрта тонгдан иш бошлаб, кўзланган мақсадларини амалга оширишди. Илик кунлардан фойдаланиб, халқимизнинг улғу ва хайрли аънасанини уюшқоқлик билан ўтказиш аҳамиятини тўғри англаган ҳолда шу кунлари барча кўзланган ишларни—ободонлаштириш ишларини, саховатпешалик, меҳр-муруват кўрсатиш тадбирларини кўнгилдагидек ташкил этишга алоҳида эътибор қаратишди.

Тумандаги мавжуд 49 та маҳаллалардан «2-Катта Чилонзор», «Қозиробод», «Тинчлик», «Шарқ тонги», «Мевазор», «Чилонзор», «Бўстон» маҳаллалари аҳолиси айниқса, жонбозлик кўрсатиб, ҳашарда фаол қатнашди. Шунингдек, «Совпласттал», «Самарқанд-қой», «Бета-қой», «Хоразм-шакар» қўшма қорхоналари, «Фонон», «Алгоритм», «Реле-автоматика», «8-темир-бетон маҳсулотлари заводи»нинг кўп сонли ишчи-хизматчилари, бошқа меҳнат жамоалари, ўқувчилару талабалар ҳашарда кенг қўламда ишларни бажаришди. 11 минг туп мевали ҳамда манзарали дарактлар, 5 мингта атиргул буталари ўтказилди. Ариқ, зовурлар тозаланиб, кўча, майдон, хиёбонлар орас таланди. Бу ишларда 30 дан ортиқ турли автоматизмлар ҳашарчиларга мададкор бўлди ҳамда 190 тонна ахлат, чиқиндилар олиб кетилди.

Хайрия ҳашарида Ижтимоий химоя йили муносабати билан

«Хайробо», «2-Қатортол» ҳамда «Гулобод» маҳаллаларидаги нураган уй-жойлар таъмирлаб берилди. Қувонарлиси, тумандаги 11 та қабристонда ҳам тозалаш ва кўкalamзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

ШАЙХОНТОХУР

Ҳашар кунлари қорхона, ташкилот, олий ўқув юрлари, коллеж, мактаб, мактабгача таълим муассасалари ходимлари, ўқитувчи, ўқувчи ва тарбиячилар, маҳаллалар ахли ўз ҳудудларининг тоза, озода масканлар қаторидан ўрин олишига муносиб ҳисса қўшилди. Ариқ ва зовурларни чиқиндилардан тозалаб, гул ва дарактларга шакл бердилар. Мевали ва манзарали дарактларни экиб, хиёбон ва кўчаларни суғуриб тозаладилар.

— Шайхонтохур тумани ёшлари ўзлари ўқитган таълим даргоҳидан бошлаб катта шохўчалар, Анхор, Абдулла Қодирий каби кўчаларда ободонлаштириш ишларини бажардилар,— дейди «Камолот» ЕИХ туман бўлими ёшлар билан ишлаш бўйича бўлим мудири Шахноза Умархўжаева.—Икки юздан ортиқ «камолот»чи ёшлар 3 та ҳудудга бўлинган ҳолда иш олиб бордилар. Хусусан, «Камолот» ЕИХ Республика кенгаши ҳудуди, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ёнида жойлашган хиёбон, Талабалар шаҳарчасидаги «Камолот» боғи, сидқидилдан озодалик юмушларини адо этдилар. Кўплаб мевали ва манзарали дарактлар, атиргуллар экиб унинг парварishiга масъуллини ҳам белгилаб қўйдилар. Сергайрат, оловқалб ёшлар юртимизнинг муносиб фарзандлари эканликларини ўз меҳнатлари билан кўрсатдилар.

ЮНУСОБОД


Умумхалқ хайрия ҳашари Юнусобод туманида ҳам баҳорий кайфиятда, кўтаринки руҳда ўтди. Айниқса Амир Темир хиёбони, «Сайилгоҳ» майдони ва Тошкент ҳайвонот боғи ён-атрофи ёш кекса хашарчилар билан гавжум бўлди.

Шу кунни тумандаги 125,1 гектар ер майдони тозаланиб, 50 тонна чиқиндидан холи этилди. Ҳашар ишларини энгиллаштириш учун 253 та турли хилдаги юк машиналари жалб қилинди. Тўққиз минг манзарали, 880 та мевали, 11 минг туп турли хил гул кўчатлари, 8 мингта атиргул кўчатлари ўтказилди. 22 минг 560 та турли хилдаги мевали ва манзарали дарактларга шакл бериб, оқланди. 101 нафар эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган, ночор, кам таъминланган оилаларга бир миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Дарҳақиқат, муқаддас аъналаримизни ўзига қамраб олган Наврўз байрами кўтулғу қадамлари билан ўлкамизга кириб келар экан, уни муносиб кутиб олиш учун юқоридаги каби ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ишлари ила қизгин тайёргарликлар кўрилмоқда. Икки кун давом этган умумхалқ ҳашари эса халқимизнинг янада бирлигини, тинчлигини, ўлкамизнинг янада обод ва кўркам бўлишини таъминлайди. Инсонлар энг гўзал ва муқаддас қадриятларимизга қадрлашга, аъналаримизни авайлашга, урф-одатларимизга ҳурмат ва эҳтиром ҳисси билан қарашга, ўзлигимизни унутмасликка ундайди.

ЯККАСАРОЙ

Ҳашар кунлари Яккасарой туманининг 82.500 нафар фуқароси қалбларида яшатиш туйғуси ила жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Ҳашарда иштирок этган ёшлар ўз ҳудудларини энг кўркам, энг ораста ва фазилли гўшага айлантириш мақсадида гайрат-шижоат билан иш бошлаб, туманининг 648,5 гектар майдонини ободонлаштиришга эришдилар. 15.100 туп даракт ва буталарга шакл берилиб, оқланди. 2900 туп манзарали ва 1200 туп мевали даракт ҳамда 970 туп мавсумий гул кўчатлари ўтказилди. Ҳашарчилар томонидан 36.600 погон-метр ирригация тармоқлари тозаланиб, орас таланди. 3 та қабристон ва зияратгоҳлар ободонлаштирилиб, тар-



тибга келтирилди. Шунингдек, тумандаги учта кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирдан чиқарилди. Ҳашарда тумандаги мавжуд 18 та маҳалла, 13 та тиббиёт муассасаси, 3 та олий ўқув юрти, 8 та коллеж ва лицейлар жамоалари фаол иштирок этдилар.

ҲАМЗА

Ҳашарнинг ўзига хос хусусияти, яъни ундан ҳеч қандай турмасликка ундаши, ёш-қарининг баҳамжиқатликда гайрат кўрсатиши ҳамда кўплаб ишларни мақсади тез ва соз бажариш ҳаммазиларга ҳам қўл келди. Кўтаринкилик, яшариш ва фусункор фаслнинг завқи ҳашар кунларидан ўзининг ёрқин аксини топди.

Айтиш лозимки, кекса отахон ва онахонларнинг гайрати фарзандлару набираларни ҳам руҳлантириб юборди. Бу, айниқса, икки кунлик ҳашарни уюшқоқликда ўтказган Икром Ақромов, Усмон Носир, Махмур, «Умид», Янгиобод, Ахмад-жон Назаров, «Бинокор» сингарии 53 та маҳаллалар ахлининг бирдамлигида, ободлик ва покизаликка қаратган юмушларида кўринди. Кўпни кўрган нуруний қариялар бошчилигида ўтганлар руҳини шод этиш мақсадида 7 та қабристонда

ободонлаштириш ишларига эътибор қаратилди.

Тумани янада яшатиш ва ёшартириш мақсадида ҳашар кунлари ниҳоллар парварishi, даракт ва буталарга шакл бериш ишлари адо этилиб, мавжуд 18700 тасига шакл берилди, 25 минг туп турфа гуллар ҳамда 14 мингта даракт кўчатлари экилди. Ирригация шохобчаларини тозалаш, кўп қаватли уйлар ён-атрофларини тартибга келтириш ва асфальтлаш, болалар майдончаларини таъмирлаш ишларидан яшовчиларнинг фаоллиги таъминланди. Қорхона ва ташкилотлар, мактаб ва боғчалар, соғлиқни сақлаш муассасалари ободонликдан янада. Техника воситалари қувватидан унумли фойдаланган ҳолда тўпланган 5000 тоннадан зиёд ахлат ва чиқиндилар олиб кетилди. Энг муҳими эса ҳаммазилар бир ҳашарчи мана шундай эзгу ишга фаол ҳисса қўшаётганидан, меҳр-оқибат айёмини орас талаш кутиб олаётганидан дилларидан фахр туйғуларини ҳис этди.

(Ўз мухбирларимиз) Наталья Семёнова ва Ҳақимжон Солихов олган суратлар

ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМҚЎШИН ҚЎМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИДА ТАЪЛИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ИННОВАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг 2006 йилда мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аяқларини ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таълим тизимини ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда кадрлар тайёрлашни янада тақомиллаштириш устувор масалалардан экани қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган

ИННОВАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ

ушбу тадбирда ҳарбийлар, олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари ва мутахассислар иштирок этди. Тошкент Олий умумқўшын қўмондонлик билан юрти бошлиғи полковник М.Байбўсов, Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти катта ўқитувчиси майор С.Отақулов, Ўзбекистон Миллий университети профессори Н.Жабборов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий қилинаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол ин-

сонлар этиб тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Шиддат билан ўзгариб бораётган давр барча жаҳалларда бўлган сингарии таълим тизимида ҳам фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларидан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Ортирилган тажриба инновация технологиялари воситасида таълим бериш аънаванавий ўқитишга қараганда анча самарали эканини кўрсатмоқда. Мазкур тизим, шубҳасиз, ҳарбий таълимда ҳам катта аҳамият касб этади. Аввало, ҳарбий хизматчиларнинг ин-

теллектуал салоҳиятини юксалтириш, тафаккурини бойитиш ва жанговар вазиятларда тезкор қарорлар қабул қилишда катта ўрин тутаяди. Айни пайтда бу усул офицер кадрлар тайёрлашга сарфланган маблағларни сезиларли даражада тежаш имконини беради.

Тадбирда Куролли Кучларимизда ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини қулайитириш, ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлайдиган ҳарбий таълимнинг замонавий усуллари янада кенгрок жорий этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Бу борада мамлакатимиз ҳарбий таълим тизимида эришилган ютуқлар ва айрим муаммолар таҳлилга бағишланган маърузалар тингланди. Тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жасур КЕНҒОЕВ, ЎЗА мухбири



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

«КЕФА Хайтек» швед фирмаси ҳидни ютувчи бўёқ яратганлигини эълон қилди. Бўёқ буюм ёки предметларга оддий йўл билан ҳам, асбоблар ёрдамида ҳам суртилиши мумкин бўлиб, қуриганда ўта майда тешикчаларга эга бўлади. 28 та ҳидли кимёвий моддалар билан ўтказилган тажрибалар ана шу тешикчалар орқали ҳиднинг яхши ютилишини исботлади. Бунда самара 86 фоизгача етади. Водород сульфит ишлаб чиқарувчи цехнинг деворлари ва қурилмалари мана шундай бўёқ билан бўялган, кимёвий модданинг қорхонадаги ҳиди 24 марта камайганлиги амалда исботланди.

Автотўлқин ёрдамида металлларни оксидлаш усули ишлаб чиқилди. Красноярскдаги қорхоналардан бирида ишлаб чиқилган янги усул темир пластинкаларини оксидлашда синаб кўрилади. Пластинкани тез иситиш ва махсус ишлаш орқали амалга оширилувчи технологияга асосан олиб борилувчи иш тиниб турган ҳовуз сувига тош ташланганда тарқалувчи тўлқинни эслатади. Оксидлаш давомида сув юзасида тарқалувчи тўлқин сингари оксидланиш ҳам турли тезликда боради ва унинг рангига қараб оксидланишнинг қай даражада бориши кузатилади.

Радиобиологияда атом радиацияси зарарли деб келинади. Лекин гормезиснинг умумбиологик қонунига кўра, моддаларнинг юқори ва қуйи микдори диаметрал қарама-қарши таъсир этишини рад этмайди. Шу қонунга асосан маргумининг катта микдордаги захарли бўлиб, оз микдордагиси рақ сақалликларни, тиш оғриғи ва ёш организмни ўстиришда ижобий роль ўйнаши маълум. Шунга кўра, атом радиациясининг оз микдордаги таъсири фойдаланган ҳолда эмаслиги энди тўла исботланди. Радиациянинг табиий фони доимо мавжуд бўлганлигини ҳаммамиз биламиз. Россия, АҚШ ва Францияда яшовчи олимлардан бир гуруҳи радиациянинг кичик қисмдаги дозаси ҳужайра бўлинишида, тўқиманинг ривожланишида ва организмнинг ўсишида муҳим роль ўйнашини ўзларининг узоқ йиллик тажрибаларида исботлашди.

Аддис-Абеба дорилфунунининг тилшунас ва халқ урф-одат, маданиятларини ўрганувчи тадқиқотчилар гуруҳи сафарларида Ҳабашистон жанубида номалум қабилани топдилар. Улар балиқ овлал тирикчилик қиладилар. Барча маълум бўлганлардан аъло даражада сўзлашадилар. Бирале, қўшини қабилалар уларни шундай атайдилар. Улар хийлагина паст бўйли. Афтидан, 1895 йилда америкалик тадқиқотчилар улар билан учрашган бўлиб, Ҳабашистонда пигмейлар яшайди, деб тахмин қилганлар. Ҳозир уларнинг биралелар бўлганликлари аниқ. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур қабилани йўқ бўлиб кетиш хавфи остида. Зеро, ҳозирда улар сони 800 кишидан иборатгина ҳолос.

Денгиз балиқлари, хусусан, олабуға ва треска ранглари яхши фарқлай олар экан. Улар қизил, яшил ва сариқ рангли ҳатто 30 метр сув қаярида ҳам ажратади. Бу ҳолат Гельголанд ороли ҳудудида немис балиқчилик илмий тадқиқот институти тадқиқотчиларининг турли ранггаги тўрлар билан ўтказган тажрибаларидан аён бўлди. Маълум бўлишича, олабуға биринчи навбатда қизил, оч яшил, қўқий ёки сариқ ранггаги тўрлардан олинсалар ҳаракат қилган. Шунингдек, олабуға кулранг, тўқ яшил ва ҳаво ранггаги тўрларни яхши пайқай олмадлиги аён бўлиб, уларга 30 фоиз кўп илинди.

Тарихда учрайдиган ниҳоятда ноёб ҳодиса 1971 йилда содир бўлди. Мистер Уильямс номи Сан-Франсисколик 57 ёшли кишига тунги пайт босқинчилар ҳужум қилган. Йўлтўсарлар тежда гойиб бўлдилар. Ҳужумга учраган Уильямс мезмонхонага етиб келдида, ўз хонасида ухлаб кечани ўтказди. Эртасига у жароҳга учраганда, шифокор уни рентгенга тушишга йўллади. Вожааб, миянинг рентген суратида аниқ ва равшан бешта ўқ кўриниб турарди. Қарангки, барча ҳаётийликни таъминлайдиган мия марказлари шикастланмаган экан. Ваҳоланки, Уильямсга теккан ўқларнинг ҳар бири ҳаёт билан видолаштириши мумкин бўлган. Кишини таажжубга соладиган нарсаси, хавфли ҳужумга учраган Уильямс ҳеч нарсаси бўлмагандек ўзини соғлом ҳис этаварган.

Гиннес рекордлар китобида «Энг қимматбахо оёқлар» бўлими бўлганда, эҳтимол Бразилиялик 36 ёшли балеринаси Ана Ботафогунинг номи ундан ўрин олишга даъвогарлик қилиши мумкин эди. Гап шундаки, яқинда «Вежа» журналининг хабар қилишича, Бразилиядаги энг машҳур балеринага суғурта ҳужжати берилди. Ҳужжат санъаткорнинг оёқлари ва товонлари 10 миллион крузеиру (қарий 24 минг доллар) га суғурта қилингандан қалолат беради. Санъаткор бахтсиз ҳодиса туфайли хасталаниши ёки оёғи лат этиши натижасида саҳнага чиқа олмаси унга шу пул тўланади. Ана Ботафогунинг эътироф қилишича, у ўзи билан шундай шартнома тузишга тайёр бўлган суғурта компаниясини узоқ вақтдан бери тополмай келаётган эди. Яқиндагина ўзининг 100 йиллигини нишонланган энг кўна Бразилия фирмаларидан бири шундай битимга розилик билдириди. Суғурта муддати ҳозирча 1 йил билан келганган. Суғурта агентлари унинг оёқлари, қўллари, бошининг қийматини бир долларгача аниқлик билан белгилаб бердилар.

Тупроқнинг кислоталик ёки ишқорийлик муҳити ўсимлик учун муҳим роль ўйнаши маълум. Бу илгарилари индекатор қоғози ёрдамида тахминий библи олинарди. Эндиликда бу вазифа «ИКП-Дельта» номи кичик асбоб ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Ҳар бир киши фойдаланиши мумкин бўлган асбобнинг металл электродлари қумқоғоз билан бир оз тозаланиб тупроққа киргизиб қўйилади. 20-30 дақиқадан сўнг асбобдаги сонлар тупроқ ҳолатини аниқ кўрсатиб беради. Майдоннинг турли жойларида кислоталик хусусияти ҳар хил бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб иш кўриш керак бўлади. Бу маълумотларга қараб турли тупроқ учун ишлатилган оғак микдори (уни нейтралловчи маҳсулот) аниқланади. Кейин тупроқ яхшилаб аралаштирилади. 20 кунлардан кейин тупроқ ҳолати яна қайта ўлчанади ва шунга қараб иш кўрилади.

Элементорганик бирикмалар кимёси ва технологияси илмгоҳи ходимлари силанлар ишлаб чиқариш сонаот чиқиндиларидан сонаот оқава сувларини тозалашни тақлим қилишди. Бу мақсадда аммоний хлориддан фойдаланилади. Илгарилари ана шу мақсадда ишлатилувчи ўғит бўлган аммоний сульфат энди далаларга юборилади. Бундан қишлоқ ҳужаги фойда кўради. Экология бўйича ютуққа эришилади.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ВА КАСАНАЧИЛИК

Одамлар онгида демократик кадрларни мустақамлаш, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, мамлакатимизда рўй бераётган демократик ўзгаришлар кўламини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришда жамоат ташкилотларининг алоҳида ўрни бор. Юртимизда эркин фаолият юритиш учун зарур шарт-шароитлар яратилгани боис улар жамоат ҳаётининг барча жаҳалари ва йўналишларини қамраб олмақда. Муҳими, мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг самаралдорлигини таъминлаш, фуқароларнинг дунёқарабини шакллантириш, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ишончли муҳофаза қилишда улар фаол иштирок этяпти.

Тошкент шаҳар тадбиркор ва ишбилармон аёллар жамоат бирлашмаси ташкил этилганидан буён ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ҳозирги кунда унинг етти юздан зиёд аъзоси бор. Уларнинг аксарияти маърузаларни кўмағида тадбиркорлик сир-асрорини ўрганиб, ўз бизнесини йўлга қўйган аёллардир.

Бирлашма ҳузурида ташкил этилган «Тадбиркорлик асослари» ўқув маркази бизнес-режа ишлаб чиқиш, қорхонани давлат рўйхатидан ўтказиш, офис ва ишлаб чиқариш учун жой топиш, кредит олиш каби юмушларни амалга ошириш борасида хотин-қизларга зарур амалий ёрдам кўрсатапти.

«Давлатимиз раҳбарининг фармони асосида тадбиркорлик субъектларига қўлайлик яратиш мақсадида ташкил этилган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки имкониятидан кенг фойдаланилмоқда, — деди бирлашма раиси Насиб Миродилов УЗА муҳбирига. — Ушбу банк орқали қисқа муддатта бериладиган микрокредитлар кичик бизнес қорхоналари учун жуда қўлай. Собир Раҳимов туманида фаолият юритаётган Қарима Ғиёсова, Ҳамза туманида Фарид Абдурозиков ва, сергелилик Дилдора Ниёзова каби тадбиркорларга бирлашмаимиз бундай имкониятдан унумли фойдаланиш борасида кўмаклашди. Натيجида ушбу субъектларда иш унумдорлиги ортиб, фаолияти янада кенгайди.

Бирлашма аъзо кичик қорхоналарда касаначилик имкониятларидан са-

марали фойдаланилмоқда. Асосан тикувчиликка ихтисослашган, турли кийим-кечакдан тортиб рўзгор ашёларига таъйёрлаётган тадбиркор аёллар уйда ўтирган хотин-қизларни бу ишга кенг жалб қилляпти.

Собир Раҳимов туманида иш юритаётган тадбиркор Маълүра Қодирова-нинг «Мохир кўллар» қорхонасида элик нафардан зиёд аёл шу йўсинида иш билан таъминланган.

«Мохир кўллар»да, асосан, иш кийимлари, парда ва кўрпа-тўшак тикилади, — дейди Мухаббат Ирисматов. — Уйда қизим Диларфўз тушган бюртмага қараб маҳсулотнинг дизайнини таллаб, эскизини тайёрласа, мен уларни бичаман. Сўнг уларни бошқа касаначи аёлларга етказамиз. Уйда буш вақтда сеvimли иш билан шуғулланиш жуда мароқли. Ҳаракатимизга яраша барака ҳам келиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда касаначилик кенг йўл очилгани жуда оқилона иш бўлди.

Фотима Раҳимова ҳам ушбу қорхонанинг касаначиликдан. Кўрпа, кўрпага қавиш — сеvimли машғулоти. Шу ҳунари туфайли дурустгина даромад олади. Оиласига, одамларга нафи тегаётганидан хурсанд.

Давлатимиз томонидан тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Бирлашма тадбиркор аёлларга бу борада зарур йўл-йўриқ бериб, ҳуқуқий билимини оширишга алоҳида эътибор қараяпти. Адлия, солиқ, божхона каби идоралар мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўқув-семинарлар ташкил этиляпти. Бунинг самараси туфайли тадбиркор аёллар ўз ҳуқуқларини янада яхшироқ билиб иш юрита бошладди.

Тадбиркор бўлишни истаيدиган, аммо ишни нимадан бошлашни билмай, иккиланган юрган айрим аёллар бирлашма кўмағида ўзига йўл топяпти. Утган йили ўн нафарга яқин аёл шу тариқа ўз ишончига муваффақ бўлди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда тадбиркорликни кенг ривожлантириш, бизнес аҳлининг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва аҳоли фаровонлигини янада ошириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар бераётган самаралардандир.

Норгул АБДУРАИМОВА,
УЗА муҳбири

Мазкур ўқув машинини ўтказилишидан туман фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларини юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишига таъйёрлаш ҳамда туман аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, юзага келган ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилишига ўргатиш каби хайрли мақсадлар кўзланди.

Қўмондонлик-штаб ўқув машини Тошкент шаҳри ва туман ҳокимликлари, туман Фуқаро муҳофазаси хизматлари—алоҳа ва хабар бериш хизмати, жамоат тартибини сақлаш хизмати, ёнғин хавфсизлиги хизмати каби бир қатор қорхона ва ташкилотлар ҳамда иқтисодий объектлари раҳбарлари, шунингдек, уларнинг куч ва воситалари жалб этилди.

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК АСОСИДАГИ МАШҒУЛОТЛАР

ҲАМЗА ТУМАНИ ҲУДУДИДА ТўРТ БОСҚИЧЛИ «СУВ ТОШҚИНИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ СУВ БОСИБ ТУРИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ» МАВЗУСИДА ҚўМОНДОНЛИК-ШТАБ ЎҚУВ МАШҚ МАШҒУЛОТЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

ёт муассасаларида фавқулодда вазиятларда жароҳат олганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга эътибор қаратилди. Ушбу ўқув машини машқ машғулоти-

ги ҳаракатини синаб кўриш» мавзусида, еттинчи бошқич тумандаги Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежиди «Ўқитувчи ва ўқувчиларни хавфсиз жойга қўчи-



Ўқув машини ҳатта бошқичда ўтказилиб биринчи бошқич Ҳамза туманининг Аҳмадхон Назаров номи маҳалласида «Маҳалла аҳолисини сув тошқини оқибатларидан бартараф этиш ва хавфсиз жойга қўчириш» мавзусида бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидида «Кутқарув хизмати», жамоат тартибини сақлаш хизмати, тиббий хизмат каби бир қатор хизматлар ва туман «Маҳалла» жағғармаси, Қизил Ярим Ой жамиятининг Ҳамза туман кенгаши ходимлари фаол қатнашдилар.

Иккинчи бошқич эса Ҳамза туманидаги Тошкент Авиасозлик касб-хунар коллежиди «Коллеж ўқитувчи ва ўқувчиларни хавфсиз жойга қўчириш» мавзусида ўтказилди ва учинчи бошқичда тумандаги тиббининг тўртинчи бошқичи тумандаги 307-сонли умумтаълим мактабиди «Сув тошқини оқибатиди жағғарланганларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш» мавзусида, бешинчи бошқич «Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамиятининг «Б» худудиди «Сув тошқини оқибатиди қулни ёнғин содир бўлиши, ёнғин натижасида жағғарланганларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш» мавзусида, олтинчи бошқич «Тошкент ёғ-мўи комбинати» ОАЖ қўша қорхонасида «Сув тошқини оқибатларида компрессор цехида қулни таъмир этишчи заҳарли (аммиак) моддаси тўқилишида, объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмасининг амалда-



риш ва жароҳатланганларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш» мавзусида бўлиб ўтди. Ўтказилган барча ўқув машини машғулотида аҳоли, айнакиса ёш авлодди фавқулодда вазиятларда ўзини йўқотиб қўймаслиги, тўғри ҳаракат қилишга ўргатишга катта аҳамият қаратилди. Ўйлаيمизки, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан амалга оширилаётган бу каби сай-ҳаракатлар келгусида албатта ўзининг ижобий томонларини кўрсатади.

Шоира МУҲАМЕДОВА,
Хуснияхон ТОЖИБОЕВА
СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган ўқув машини-машғулотида давлат раҳбарлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмасининг амалда-

Иқтисодиёт

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯРАТИЛГАН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ ҲОЗИРДА УЛАРИНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИДА ИШЛАРИДА ЯҚҚОЛ АКС ЭТМОҚДА. БУ ЙЎЛДАГИ ИЗЛАНИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ СИФАТГА ҚАРАТИЛГАН АСОСИЙ ЭЪТИБОР, ХОРИЖИЙ ТЕХНИКА ҲАМДА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МУКАММАЛ ЎЗЛАШТИРИЛАЁТГАНЛИГИ СОҲАДАГИ ЮТУҚЛАР ОМИЛИ ҲИСОБЛанаДИ.

2005 йилда фаолиятини бошлаган «Xlos-mebel» хусусий қорхонасининг малакали мебелсозу қўли гул ҳунармандлари шу қисқа вақт мобайнида 16 турдаги сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар тайёрлашмоқда. 10 нафардан иборат жамоа аҳли ишлаб чиқараётган мебеллар аънавийлик ва замонавийлик ўзаро уйғунлашган кўрам кўриниши, мустаҳкамлиги боис ҳам хорижий ана шундай товарларидан асло қолишмайди, балки улар билан бемалол рақобатлашади.

Цехда ўрнатилган замонавий хорижий дастгоҳ ва ускуналар мебелсозларнинг мураккаб жараёнларни осон уддалашларида қўл келмоқда. Қўвонарлиси, маҳсулотлар учун ушбу қорхона жамоаси маҳаллий хом ашё—чинор, ёнғоқ, қайрағоч, ясенъ, дуб каби дарактлардан фойдаланади.

Ички бозоримизда қисқа давр ичида ўз ўрнини топган «Xlos-mebel»чилар эндиликда Қозғоғистон, Тожикистонга, жорий йил бошидан Эса Германия давлатига ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилишди.

СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР

ДЎҚОНЛАРИМИЗ ПЕШТАХТАЛАРИДАН ЎРИН ОЛГАН ШИРИНЛИКЛАР—ҚАНДОЛАТПАЗЛАРИНИНГ РАНГ-БАРАНГ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАМ ҚАНДАЙ НОЗИК ДИДЛИ ХАРИДОРНИ ҚАМ ҚОНИҚТИРМОҚДА.

1998 йилдан буён фаолият юритаётган «Zulruh-Tohir» хусусий қорхонаси жамоаси тадбиркорлари ҳам бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш асосида фақат сифатли ва харидоргир қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Қўвонарлиси, ушбу товарлар маҳаллий хом ашёдан тайёрланади ҳамда нисбатан арзон нархда. Россиядан келтирилган ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли дастгоҳ ва ускуналари мададида малакали қандолатпазлар кексаю ёшга бирдай ёқимли пирожиний, торт, печенье, прыникларни тайёрлаб, асосан «Чорсу» бозориди жойлашган супермаркет ва дўқонларда сотувга чиқармоқда.

Жумладан, жамоанинг бир-бирдан чиройли, мазали булочкалари ҳамда кўплаб турдаги макарон маҳсулотлари ҳам харидорларини билан ажралиб туради. Қорхона тадбиркорлари жорий йилда ҳам янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, цехларни модернизациялашни эзгу мақсад қилган ҳолда иш юритмоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Алоқа

ШЎББА ҚОРХОНАСИГА ЯНГИ МАҚОМ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ «ФАН-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ» МАРКАЗИ ХОДИМЛАРИ ЙИРИК ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИБ, ТАРМОҚДА ТЕХНИКАЛИЙ АНГАЖИҚЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ЎЗ ҲИССАЛАРИНИ ҚўШИБ КЕЛМОҚДАЛАР.

Агентликнинг илмий-техник бўлинмасига айланган бу марказда алоқа хизмати доирасида ҳўжалик юритиш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда.

Унинг бу соҳадаги фаолиятини янада ривожлантириш тадбирлари кўрилади. Марказнинг шўбба қорхонаси агентлик бошқаруви қарори билан ҳўжалик юритиш ҳўқуқига асосланган унитар қорхонага айлантирилди. Эндиликда унда ҳўжалик юритиш билан боғлиқ кенг қўламли фаолият амалга оширилади.

МУТАХАССИСЛАРГА ҒАМХўРЛИК

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ҚОРХОНАЛАРИДА ҲАМ ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР ТУЗИЛДИ.

Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши таъсисига мувофиқ тариф келишувлари «Ўзбек-телеком» акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ва «Matbuot» тарқатувчи акциядорлик компанияси билан ҳам амалга оширилмоқда.

Айни вақтда алоқа соҳасидаги асосий ишдан ажралмаган ҳолда қасаба уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи ходимларга ҳўжалик маблағлари ҳисобидан ҳар ойлик маошга қўшимча иш ҳақи тўлаш жорий этилди ҳамда улар билан меҳнат шартномалари тузилди.

Бу эса тармоқда ихчам ва таъсирчан икки бўғимли тизимни жорий этиш имконини берди.

МУҲИМ ТЕХНИКАВИЙ ВОСИТА

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЭЛЕКТРОН ҲўЖАТЛАР АЙЛАНМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА АМАЛИЙ ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛИДА КЕНГ ҚўЛАМЛИ ТЕХНИКАВИЙ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. АНА ШУ ЖАРАЁННИ МАҚСАДГА МУВОФИҚ ТАРЗДА МУОМАЛАГА КИРИТИШ УЧУН ҚАТОР ҚўЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ.

Электрон ҳўжатларни алфавит-рақамли клавиатурага киритишга доир янги стандарт ҳам ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари» маркази самарали изланишининг маҳсули бўлган ушбу йўриқнома Ўзбекистон стандартлаш, метеорология ва сертификатция агентлиги томонидан тасдиқланган амалда фойдаланиш учун тавсия этилди.

Акбар АЛИЕВ

— **Домла, аввало сизни кўтлуг ёшингиз билан чин дилдан қўтлаймиз. Бундан буён ҳам сизга сийҳат-саломатлик, ижодий баркамоллик тилаймиз. Сўхбатимиз аввалида сўзни сизга таълим берган устозлар ҳусусида бошласак. Табиийки, улар ҳақида диллингизда хотиралар сақланган, албатта...**

— Мен 1922 ва 1923 йилларда эски усул, сўнгра 4 йил янги турдаги бошлангич, 5 йил тўққиз йиллик мактабда ўқидим, 1938 -1943 йилларда Тошкент Давлат кечки педагогика институтида адабиётдан билим олдим. Бошлангич мактабда Шарифқори Латипов, Ёқуб Каримов, Шоҳизир Шоилёсов, Абдулла Ҳўжононовлар билим берилган. Шарифқори Латипов табият, географиядан дарс берган. Уларнинг ҳар бирининг бетақдор сабоқ ўғитлари, дарс ўтиш усуллари ҳаётимда жуда асқотди.

Институтда эса мумтоз адабиётдан адабиётшунос олим Мақсуд Шайхзода, мумтоз ва Фарб адабиётидан таниқли олим Ҳамид Сулаймон, она тилидан олим Аюб Фулом, мантқ ва психология илмининг билимдони О.Бойбўрова, рус тилидан И.Волков билим берилган. Мақсуд Шайхзоданинг улуг шоир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, «Ҳамса» асариди ҳақидаги маърузалари ички бир жонли туёғу билан уйғунлашарди. Унинг Алишер Навоий асарларидаги образлар ҳислатларини аниқ мисолларда баён этишлари ундаги тафаккур кенглигини билдиради, Навоий ғазалларини ёддан ўқишлари — юксак бадийий ўқиш намунаси бўларди. Ҳамид Сулаймон ўзининг ғўзал диллиги, расом ва машур хат-тоғлиги билан журматли эди. Икки йил она тилидан дарс берган Аюб Фулом хотирасининг қўчилиғи, равон нутқи, она тилимизни сеvimли, тил қонун-қоидаларини билиши билан бизда, жумладан менда ҳам она тилимизнинг ғўзаллиғига ҳавас, саводхон бўлиш ҳиссини оширди.

Умуман бизда, жумладан менда тарих фанига қизиқиш уйғотган, ривожлантирган, том маънода юксак тафаккур, ахлоқ соҳиб бўлган устозлар дилмида ўчмас эди, хотира қолдирдилар.

— **Домла, сиз мактабларда 30 йил самарали фаолият кўрсатгансиз. Бу йиллар давомида педагогик маҳоратни эгаллашингизда нималар асосий омил бўлди?**

— Меҳнат фаолиятини 1933 йилдан 17-мактабда қотибқолган бошлаб, 1961 йилга қадар Тошкент шаҳрида, Фарғона вилояти Бешарик тумани, Қашқадарё вилоятининг Шайхисабз туманларида ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор, халқ маорифи бўлими мудири вазифаларида хизмат қилдим. Шунингдек, шахримиздаги 20-ўрта мактабда директор, 143-ўрта мактабда илмий бўлим мудири, Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 33-ўрта мактабда директор бўлиб ишлаган даврларимизда педагогик фаолиятимда содир бўлган кўнглили дамларни бир дам ҳам унутолмайман. Айнакиса 1971 йилда Тожикистоннинг Регар шаҳридаги Зебунисо номидаги мактабда ўқувчилар билан бўлган йилнинг эсимдан чиқмайди. Йилнинг Рўқия исми билан бир қиз шўр ўқиб туриб йилга юборган. Нега йилгаётганини ўқитувчиларидан сўрасам, сабабини айтишган. Бир ҳафта олдин отаси вафот этган экан. Опаси Рисолат 5-синфда ўқир экан. Шундан сўнг қизлар билан танишиб, сўхбатлашдим. Уларга 10-синфни битиргунларига қадар барча ўқув фан-

ларга доир китобларни юбориб турдим. Қизлар ўқишни «аъло» баҳоларда тугаллаб, Душанбе шаҳридаги педагогика ва тиббий институтларига ўқишга кириб сўнг битиришди. Ҳозир Рўқия —ўқитувчи, Рисолат — шифокор. Ўн йил давомида менга йўллаган мактубларида: «Ассалому алайкум муҳтарам домла-жон... маслаҳат, насихатларингизни бир умр унутмаймиз... ишончингизни оқлаймиз...» деб ёзилган дил сўзларини ўқиб, одамларга, айнакиса етимларга қилинган яхшилик инсонга ўз ҳаётиндан мамнунлик, руҳий тетиклик бахш этишини чўқур ҳис қиламан.

Маълумки, мактабда таълим ва тарбияда иккинчи даражали иш бўлмайди. Ҳамма иш муҳим: ўқувчиларнинг меҳнат қилиш фаолиятини, фикрлаш ва билимларни эгаллаш қобилиятини, маънавий ғўзалликка ҳавас ҳиссини тажрибаларини ҳаётга таъбиқ этишга муяссар бўлдим. V-X синфлар учун адабиёт дастури педагог адабиётшунос олимлар — Фулом Каримов, Юсуф Султон, Н.Маллаев, Озод Шарифиддинов, ўқитувчи-услубчилар — С.Долломов, Қ.Аҳмедов билан ҳамкорликда илмий-методик кенгашда муҳокама қилиниб тасдиқланган. Дастури яратилган олдимишга қўйилган асосий гоя шундан иборат бўлдики, дастури адабиёт ривожига салмоқли ҳисса қўшган, асарни мазмун ва бадийлик жиҳатидан юксак, таржimai ҳоли тарбиявий хусусиятга мўлжал бўлган адиб, шоирлар киритилиши керак. Асарни синфда ўқиш, муҳокама қилиш учун етарли соат-вақт белгилашни лозим. Шу асосда ўқувчиларда бадий адабиётга қизиқиш, асарни таъдиқ қилиш кўникмасини шакллантириш, мустақил фикрлаш,

Хамшаҳарларимиз ПЕДАГОГИКА СОҲАСИНИНГ ЗАҲМАТКАШИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАВ ЭТУҚ ВА БАРКАМОЛ ШАҲС СИФАТИДА ТАРБИЯЛАШ, УЛАРИНГ ҚАЛБИДА ОНА ВАТАНГА САДОҚАТ ВА МУҲАБАБ ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФИДОЙИ ВА ЗАҲМАТКАШ ПЕДАГОГЛАР, УСТОЗЛАРИНИ ХИЗМАТЛАРИ БЕКЎСДИР. ЖУМЛАДАН ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА КўП ЙИЛЛАР САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КўРСАТИБ КЕЛАЁТГАН ЗАҲМАТКАШ ПЕДАГОГ ВА ОЛИМ АСҚАР ЗУННУНОВНИНГ НОМИНИ БУГУНГИ КУНДА НАФАҚАТ РЕСПУБЛИКАМИЗДА, БАЛКИ БОШҚА РЕСПУБЛИКАЛАРДА ҲАМ ЯХШИ БИЛИШАДИ, АЛБАТТА. ДОМЛАНING ПЕДАГОГИК ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР ТАШЛАЙДИГАН БўЛСАК, У КИШИНИНГ ТАҲСИНГА САЗОВОР ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРГАНЛИГИГА ҒУВОҲ БўЛАСИЗ. 44 ЙИЛЛИК ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА А.ЗУННУНОВНИНГ ИЛМИЙ РАҲБАРЛИГИДА 35 НАФАР АСПИРАНТ ПЕДАГОГИКА ФАНАЛРИНОМЗОДЛИГИГА САЗОВОР БўЛИШДИ. 40 ДАН ЗИЁД АДАБИЁТ МЕТОДИКАСИ ВА ПЕДАГОГИКА БўЙИЧА ДАРСЛИК, ҚўЛЛАНМАЛАР ЯРАТГАН. ОЛИМИНГ 74 ЙИЛЛИК САМАРАЛИ МЕҲНАТЛАРИ ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН МУНОСИБ БАҲОЛАНИБ, «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ЎҚИТУВЧИ» ДЕГАН УНВОНГА, «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ ҲАМДА «ЭЛ-ЮРТ ҲўРАТИ» ОРДЕНИ, «ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ФИДОЙИСИ» НИШОНИ ВА БИР ҚАТОР ФАҲРИЙ ЁРЛИҚЛАР БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН. ШУНИНГДЕК «МИЛЛИЙ РўҲ», «ҚАДРИЯТ», «ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БОЙ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСЛАРИНИ ТИКЛАШ» МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА КўРИК-ТАНЛОВЛАРИ ҒОЛИБИДИР. БИЗ БУГУН АЙНИ ДАМДА 93 ЁШНИ ҚАРШИ ОЛАЁТГАН ВА ҲАНУЗ ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА САМАРАЛИ ИЖОД ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ АСҚАР ЗУННУНОВ БИЛАН УЧРАШИБ, ДИЛДАН СўХБАТ ҚИЛДИК.



ривожлантириш, ижодкор ўқитувчилар тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, ўқитувчилик касб сирларини ома-окил билиб олишларига кўмаклашиш, мутахассис жамоаси билан таълим ва тарбия соҳасида доимо алоқада бўлиш гоятда муҳимдир. Инсонпарварлик, меҳр-оқибатлилик директорнинг олий фазилатидир, директор пок қалби инсон тимсолдир. Юқорида қайд қилинган хислатларини чўқурроқ эгаллаб олишимизда Нуриддин Каримов, Саодат Ҳабибова, Жувайра Содиқова, Аҳад Нуриддинов, Саидхўмад Аҳмедов каби кекса, билимдон, табаррук ўқитувчилар билан самимий мулоқотда, сўхбатда, журматда бўлиш, дарсларни кузатиш муҳим омил бўлди.

— **Маълумки, сиз 60-80-йилларда мактабларда адабиёт бўйича дастур, дарслик, қўлланмалар яратишда иштирок этгансиз, бу соҳани бошқаргансиз. Улар албатта маълум бир фикр, гоя асосида тузилган бўлса керак, шундайми?..**

— Тўғри, Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институтиди 1961 йилдан буён ишлаб, бу даврларда мактабларда кузатилган дарслар, таълим-тарбия соҳасида ортирган адабиёт, адабий нутқнинг ривожига муҳим ўринда туришини билиб олиш лозим.

— **Билишимизча, институтда 1991 йилда педагогика бўлими мудири этиб тайинлангансиз. Ҳозир шу соҳада хормай-толмай меҳнат қилаясиз. Ўйлаيمанки, бу соҳага киришда ҳам сизда аниқ мақсад, қизиқиш, ният, истак бўлган, тўғрими?..**

— Айтиш жоизки, бадий адабиёт — адаб манбаи. Таълим-тарбиянинг узвийликда бўлишида, бадий асарда акс эттирилган ижобий ва салбий образлар ҳислатини ёритишда ўқувчилар яхши ва ёмон хулқ нима эканлиги ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Буюк олим, адиб ва шоирлар асарларини ўқиганимда уларда тарбия ва таълим, ахлоқ, оқод ҳақида фикр, гоялар ҳам баён этилганини кўрдим.

Россия, Украина, Озарбойжон ва Марказий Осиё республикаларида бўлганимда таълим педагог олимлар билан сўхбат ва мулоқотда бўлиб, асарлар, дарсликларини ўқиб, ўргандим. Юқорида баён қилганим мана шу уч омил менда педагогика тарихига қизиқиш уйғотди, миллий педагогикамиз тарихи-

роволиғи учун ўз ҳаётини бахшида этиш йўлини ўз тимсолида намоён этмоқда. Бу барча фуқаро, раҳбар, илм аҳли учун буюк ибратдир. Ҳаётимнинг бош мақсади — маънавият ривожини, илм-маърифат равнақи йўлида меҳнат қилишдир. Зеро мен фидокорона қилган меҳнатимдан афзалроқ ҳеч нарса кўрмадим. Вужудимнинг соғлигини- жонимнинг саломатлигини меҳнатдан топдим. Буюк Афлотуннинг инсон ҳаёти фаровонлигининг асоси бўлган меҳнат ҳақидаги бу ибратли гаплари доимо ёдимдадир. Эטיшаётган баркамол авлодларимизнинг шундай беназир фазилатли бўлиб, бебаҳо миллий кадриятларимизни пухта ўрганиб, озо, эркин Ватанимиз, халқимизга хизмат қилиши эзгу орзум

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОНО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН— ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Не тонг, кетурса манга ишқ ҳар дам ўзгача ҳол — Ки, шуъла ваъзи аро дам-бадам эрур тағйир. Ишқ ичра аҳволим ҳар лаҳза ўзгача бўлса ажаб эмас, чунки ўт ўз ҳолатини дам-бадам ўзгартириб туради.

Недур учмоқ жоҳ ила, охир фалак Намруднинг Осмони тахту жоҳин ганжи Қорун қилдило. Мартабанга мағрурланма, бу фалак охир-оқибат Намруд (афсонавий золим шох, унинг амри билан Иброҳим пайғамбар ўтда ёқилган)нинг тахту шукҳунин ҳам Қорун хазинаси каби ер юзидан сунуриб ташлади-ку.

Не мен қолғум, не сен боқий, замоне келгил, Қандах даврини хуш тутқим, вафосиздур баса даврон.

... не шаҳ қолғуси боқий, не гадо.

Нафъ тегурмакки, шпор айладинг, Узунга ул нафъни ёр айладинг.

Нихоний игна санҷар ёрлардин, Адуваш ноқафганлар кўп ортуқ. Мувофиқшева золим дўстлардин Мухолифтабь душманлар кўп ортуқ.

Билдирмай игна санҷадиган дўстлардан душмансифат ўқ отувчилар минг афзал. Мувофиқ феълли золим дўстлардан мухолиф таъбли душман минг афзал.

Неча тоғвардур, кесарлар бошин, Чу ҳангомсизнагма тортар хурус. Бошида тоғи бўлса ҳам, бемаҳал қўчқирган хўрознинг бошини кесадилар.

Нечаки жаҳд айласа қозиб киши, Тиримикки даст илгари борғай иши. Бинимисиз ҳаракат қилганидан кейин ёлғончининг ҳам иши бир-икки марта юришди-да.

Неча саҳо ашрафавсофдур, Муфрит агар айласанг, исрофдур. Саҳийлик ҳар қанча мақтовга сазовор бўлса ҳам, у ҳаддан ошса, исрофдир.

Нечужким, эрур адл шаҳларга зеб, Эрур ҳам гадо, хокраҳларга зеб. Шаҳкеким, адалатдур онинг иши, Тенг эрмас анга шохлардин киши.

Адолат нафақат шохлар, балки оддий кишиларнинг ҳам зиннатидир. Адолатни шпор қилган шохга бошқа бирор-бир шох тенглашолмайди.

Навойи, тамаъ тухмини сочма кўп, Риё ашқидин анга су(в) очма кўп. Эй Навойи, ҳадеб тама уругини сочма, мунофиқона кўз ёшидан унга сув очма.

Нечаким тўни риоят била кийсанг эскирур, чунки кийдурдунг ялангта, уфрамас тўн улдурур. Тўни ҳар қанча асраб кийсанг ҳам, барибир эскиради, умрбод эскирмайдиган тўн — бир ялангочга кийдирилган тўндир.

Не толеъдурки, ҳар кимни десам ёр, Манга ул оқибат бўлур бадандеш. Бировдур гар ани десам кўзумсен, Чекар муҷон киби қасдимга юз ниш.

Бу не қисматки, кимни ўзимга дўст деб билсам, оқибат у менга душман бўлиб чиқди. Кимни кўзим каби ардоқласам, у киприк каби қасдимга ўз тиканини санчди.

Не билғай ул кишиким, шаҳду майни тотмайду — Ки, васлу ҳажр киби ул чуққудурур, бу ачиг. Асал билан майни тотиб кўрмаган киши висолу ҳижрон каби унис ширину буниси аччиқлигини қаердан билсин?

Неким бўлса миҳозинга гуворо, Анга кўп майл қилма ошқоро. Миҳозинга ёкса-да, бирор нарсанга ортиқча майл қўйма. Нуктаи қомил, ки дар сидқаш набошод иштибоҳ.

Дар дили қомил ба оини нақў ояд фуруд. Лекин андар хотири ноқобилин каж ло бараш, Лаҳни Довуд ар бувад ояд ҳамма хорж суруд.

Чун руҳи неқў, ки дар оина бинмояд нақў, Зишту каж бошад агар бини-ш дар шамшеру худ. Етуқ сўз, агар унинг ростлигига шубҳа бўлмаса, сўзловчининг дилига жуда осон ўрнашади. Лекин ноқобил кишиларнинг дили эгри бўлгани учун Довуднинг нағмасини ҳам улар хониш ўрнида кўрмайдилар. Гўзал юз кўзгуда ҳам гўзал кўринади, агар кўз эгри ва қийшиқ кўрадиган бўлса, унга ханҷар уриш ҳоҷат эмас.

Нақўи бо бадон камтар кун, аммо Ба неқон бештар кун неқини хеш. Ба неқу бад баробар гар кунни лутф, Фитад бо неқувон кам, бо бадон беш.

Уз яхшилигинини ёмонларга камрок, аммо яхшиларга кўпроқ қилгин. Агар яхшию ёмонга баробар лутф кўрсатсанг, яхшиларга кам, ёмонларга эса кўп яхшилик қилган бўлиб чиқасан.

Нуктаи нодон зи баҳри ришханди ў нақўст, Мўҳрай ҳар дарҳури тазини афсори ҳар аст. Эшакмунчоқ эшак нўхтасини бешагга муносиб бўлганидек, нодоннинг сафсатлари ҳам уни масҳара қилишга арзийди.

Нафс қомига изтироб этма, Узнио мулкни хароб этма. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Танловлар


БАҲОР МАЛИКАЛАРИ

ГУЛДАН-ГУЛДАСТАЛАР ТУЗИЛАР БУТУН, ҚУЁШ НУРЛАРИНИ СОЧАР БЕМИНАТ. БАҲОР, ИФОРЛАРДАН ЯСАЙДИ ТУТУН, АХИР БАҲОР БУТУН, НАВБАҲОР БУТУН.


Ҳа, юртимизга фасли навбахор ташриф буюрди. У ўзининг кўтлуқ қадамларида бир олам гўзаллик, қуёш ҳарорати, ер тафти, кўклам ифорини ва табиатнинг жамики хусну тароватини ўзи билан олиб келмоқда.

Жумладан, Учтепа туман спорт соғломлаштириш мажмуасида «Баҳор маликалари» деб номланган танлов бўлиб ўтди. Уни Учтепа туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» маркази, «Камолот» ЕИХнинг туман бўлими ҳамкорликда ўтказдилар.

— Баҳор энг гўзал, тароватли, фусункор, инсонларни хайру саховат, эзгуликлар сари чорлайдиган туйғулларга бой фаслдир, — дейди Учтепа тумани ҳокими ўринбосари, хо-



тин-қизлар кўмитаси раиси Азиза Гибсова. — Ушбу гўзал фаслда ўтказилаётган «Баҳор маликалари» деб номланган танловимизда наинки мактаб ўқувчилари, балки олти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган спорт билан шуғулланадиган қизларимиз иштирок этадилар. Бугунги танловни эса туманининг саралаш босқичи деб аташимиз мумкин. Чунки унда мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида ўтган танловларнинг голиблари иштирок этадилар. Бундан кўзланган мақсад эса, қизларимизнинг ҳар томонлама соғлом, етук, баркамол инсонлар бўлиб етишишля-



ри ва келажакда машҳур спорт юлдузлари сифатида мамлакатимиз шайини шарафлашдек бахтга муяссар бўлишларини таъминлашдан иборатдир.

Голибларга турли хил совғалар, Фахрий ёрликлар ва байрам гулдасталари тақдим этилди.

— Мен, — дейди 228-мактаб ўқувчиси Феруза Аҳмедова — бугун жуда хурсандман. Танловнинг гимнастика йўналиши бўйича голиб қикдим. Бундан устларим, тенгдошларим, ота-онам ҳам жуда мамнунлар.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар. Азамат Аҳмедов олган суратлар.

Соғлом турмуш тарзи

«ИКАР» КЛУБИ — САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

БУ ЙИЛ «ДИНАМО» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ КЛУБИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ИКАР» ҲАВАСКОР ЮГУРУВЧИЛАР КЛУБИНИНГ ФАОЛИЯТ БОШЛАГАНГА 17 ЙИЛ ТЎЛДИ.

Клубнинг кекса аъзолари — Ришат Шахмаев, Фуат Юсупов, Юрий Колергин, Кадрия Латипова, Анатолий Ногай, Мария Коршунова, Виктор Бахарев, Клара Богатева, Анатолий Антонец, Абдувахоб Салимов, Шайхризи Фахруллин ва Надежда Александровалар нафақат соғлом турмуш тарзининг фаол тарғиботчилари, балки шундай ҳаёт кечиришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган жонқуярлардан ҳисобланадилар. Яъни, улар спиртлики ичимликлар истеъмол қилиш ва чекишдан узоқлашган ҳолда таналарини муттасил чинқитирадилар, қишда Анҳорда чўмиладилар, жисмоний тарбия,



нафас олиш гимнастикаси билан шуғулланадилар, табиат кўйида ҳордик чикарадилар. Энг муҳими, ёшлари улғ бўлишига қарамастан қисқа ва узоқ масофаларга югуриш, марафон югуриши бўйича шаҳар ҳамда республика миқёсидаги мусобақаларнинг кўп марталаб голиб ва совриндорлари бўлганлар.

Ақил жамоа 54 кишидан иборат бўлишига қарамастан «Икар» клуби ҳар қандай ёшдаги янги аъзоларни қабул қилишга тайёр ва уларга соғлом турмуш тарзини қандай бошлаш, саломатлигига зарар етказмаган ҳолда машғулотлар тизимига тушиб кетиш юзасидан қимматли маслаҳатлар берадилар.

Клуб аъзолари ҳар haftaда 5-10 километр масофага югуриш мусобақаларида иштирок этадилар. Шунингдек, ойига бир марта «Динамо» стадионидан Кибрайгача югуриш ташкил қилинади. Ушбу масофани муваффақиятли босиб ўтганлар тоғларга сафар уюштириш йили билан рағбатлантирилади. Театр, кино ва консерваторияга чипталар топширилади. Яқинба кунлари эса машғулотлардан сўнг саунада танадаги бутун губорлардан халос бўлиш, бир пайла «чой устида клуб фанатлари билан хузурбахш суҳбат қуриш имконияти яратилади.

СУРАТДА: клуб аъзолари машғулот пайтида. Алексей Попов олган сурат

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЭРОНДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

ЭРОНДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА БИРИНЧИ ЎРИНИ ЭГАЛЛАШДИ.

Жамоамизнинг юқори натижа кўрсатишида спортчиларимизнинг шахсий биринчилида қайд этган кўрсаткичлари муҳим омил бўлди. Эраклар баҳсида қатнашган Тарас Моисеенко узунликка сакраш бўйича олтин, уч ҳатлаб сакрашда кумуш медалга сазовор бўлди.

Ядро улоқтириш беллашуварлари Григорий Камула ва 60 метр масофага югуришда Олег Журавлёв шохсупанинг иккинчи погонасини эгаллаб, биттадан кумуш медалга эга бўлди.

Терма жамоамизнинг аксарият медаллари аёллар ўртасида ўтказилган беллашуварларда қўлга киритилди. Енгил атлетикачиларимиздан Людмила Дмитриади, Зарина Кодирова, Анна Сидорова турли масофаларга югуришда маррага биринчи бўлиб келишди. 4х400 метрга ўтказилган эстафетада ҳам ўзбекистонлик спортчиларга етадигани топилмади.

Ядро улоқтириш бўйича Наталья Бесмертних ва баландликка сакраш устаси Надежда Дусанова ҳам энг яхши натижа кўрсатиб, шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди.

Шунингдек, югуриш баҳсларида Ирина Зудихина ҳамда Анастасия Прошкина кумуш медал билан тақдирланган бўлса, узунликка сакраш бўйича Александра Бистриговага бронза медалга насиб қилди.

«ПАХТАКОР» ВА «МАШЪАЛ» КУЧЛИЛАР САФИДА ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА

СТАТИСТИКАСИ ФЕДЕРАЦИЯСИ /IFFHS/ ДУНЕНИНГ ЭНГ КУЧЛИ 350 ТА ФУТБОЛ КЛУБЛАРИНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДАВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

/IFFHS/ мутахассислари рейтинг очкони ҳисоблаганда жамоаларнинг 2006 йил 1 мартдан то жорий мавсумнинг 28 февралигача ўтказган расмий учрашувлари натижаларини инобатга олди.

Унга кўра, кучли учлик Европа мамлакатлари чемпионатлари вакилларига насиб қилди. УЕФА кубоги ва Европа суперкубоги соҳибидир — Испаниянинг «Севилья» жамоаси биринчи погонани эгаллаб турган бўлса, Италия «А» сериясида ҳеч қайси жамоа мағлубиятга учратолмаётган «Интер» иккинчи ўринда қайд этилган. Испания чемпионати пешкадами «Барселона» ҳам кучли учликка киритилди.

Мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» (Тошкент) янги рўйхатда 152-погонадан жой олди. Пахтакорчилар бу кўрсаткич бўйича Осиё мамлакатлари жамоалари орасида Иорданиянинг «Ал-Файсали» ва Суриянинг «Ал-Карам» клубларидан сўнг учинчи ўринда бормоқда.

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси рейтинг жадвалидан 291-погонига кўтарилган Муборакнинг «Машъал» жамоаси ҳам жой олган.

Боҳир БЕК

ОЛМАОТАДАН ЧЕМПИОН БЎЛИБ ҚАЙТИШДИ

ҚОЗОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛМАОТА ШАҲРИДА МУАЙТАЙ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ҚОЗОФИСТОН ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАРГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

150 дан зиёд спортчи голиблик учун қурашган маъруза беллашувар якунида ҳамкорларимиздан Озодбек Қосимов, Артур Кодирқулов, Жавлон Назаров, Жасур Мирзамуҳамедовларнинг ўз вази тоифаларида олтин медалларга сазовор бўлишгани мамлакатимизда спортнинг муайтай тури ёшлар орасида оммалашаётганидан дарак беради.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

АСРИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИДАН САНАЛАЁТГАН ГИЁВАНДЛИК

ГИЁВАНД МОДДАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ САВДОСИ ВА ГИЁВАНДЛИК БУТУН ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИНИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД СОЛМОҚДА. ГЛОБАЛ ДАРАЖАДАГИ ХАВФГА АЙЛАНГАН УШБУ ОФАТГА ҚАРШИ БУГУН КЕСКИН КУРАШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Хусусан, бизнинг республикамизда ҳам гиёванд моддаларнинг ноқонуний айлинишига қарши кураш бўйича барча зарур инфратузилмалар тузилган. Турли халқаро ташкилотлар ва қўшни давлатлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилиб, биргаликда дастур ва лойиҳалар яратилмоқдаки, уларнинг мақсад-моҳияти, саъй-ҳаракатлар замирида гиёвандликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, айниқса ўсиб келаётган ёшларни ушбу офат бало-сидан сақлаб қолиш туради. Шунлардан келиб чиққан ҳолда пойтахтимизда айни кунларда «Гиёвандликка қарши кураш ойлари» бўлиб ўтмоқда. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Тошкент шаҳар ИИББ ташаббуси ва ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу ойлукда олий ўқув юрталари, ўрта махсус касб-

Гиёвандлик — иллат ЗАҲАРЛИ ОҒУДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

хунар коллежлари ва лицейларда кенг қамровли тадбирлар ташкил этилмоқда. Чунки, февраль ойида Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент Давлат ислом университети, Тошкент давлат тиббиёт академияси, Тошкент Давлат консерваторияси, Тошкент Кимё технология институти каби бир қатор илм мактапларида талабаларнинг фаоллигида бўлиб ўтган тадбирлар барчада яхши таассурот қолдиргани билан эътиборга лойиқдир. Биз шу ўринда Тошкент Темир йул транспорт муҳандислари институтида «Гиёвандлик — аср вабоси» мавзусида ўтказилган тадбир хусусида тўхталсак, юқоридagi фикрлар бекорга келтирилмаганига гувоҳ бўламиз.

Институт раҳбарияти, ўқитувчилар, ички ишлар идоралари ходимлари, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамятининг «Ўзбекистон темир йуллари» ДАК бирламчи ташкилот аъзолари ва беш юз нафарга яқин талабалар иштирок этган ушбу тадбир иштирокчиларнинг фаоллигида, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди. — Институтида бу ой — «Экология ва саломатлик ойлари» деб эълон қилинди, — дейди биз билан суҳбатда институтининг маънавият ва маърифат бўлими ходими Мавлуда Нухаммадиева. Талабаларнинг соғлиги, саломатлиги, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, атроф-муҳитнинг озодлигига ҳисса қўлишига қаратилган ушбу ойлукда haftaда икки-уч мартада турли мавзуларга бағишланган тадбирлар ўтказиш режаланган. Мақсадимиз ёшларимизни ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом, етук бўлиб вояга етишларига ҳисса қўлишидир.

Тадбир давомида сўз олганлар ёшлар тарбиясининг маънавий омиллари, гиёвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш чора-тадбирлари, гиёвандлик билан шуғулланувчи ёшларнинг жинсий жавобгарлиги ҳамда ушбу иллатларга қарши курашда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни, вазифаси ва масъуллиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлашди.

Мунажжим башорати

ҲАЁТБАХШ КУЧЛАР УЙҒОНАДИ

13 МАРТ, СЕШАНБА Бугунги куннинг рамзи «эшаксиз қайиқдаги аёл» экан. Буни мунажжимларимиз одамлардаги беғамлик, пала-партишлик ҳолатлари билан боғлашади. Қуёш тақвимиининг 28-кунни сиртдан ҳамма нараса осойишта ва дам олишга қулай туюлса-да, қатъият билан тер тўкиб меҳнат қилишга даъват этади. Бугун шохдевор ва тўсиқлар ясаш учун омадли пайт ҳисобланади. Кунни одамлардан ҳолироқ ўтказган маъқул. Ой сайёрасининг бугунги ҳолати таби-

атнинг ҳаётбахш кучлари уйғонишидан дарак беради. Лекин айни пайтда зўравонлар ва куч ишлатишни яхши кўрувчилар фаоллашиб қолишини ҳисобга олиш керак. 13 мартдан 13 апрелгача кўпчилик одамлар ҳаётида гайриоддий фикрлаш қобилияти ва ҳаётдаги янгиланишларга осон муносабат билдира олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Сўнги бор самода бундай ҳолат 1991 йили юзга келганди. Майда танга топиб олиш бугун омад келтирадиган яхшилик аломати ҳисобланади.

БУГУН: —ўзингизга яхши таниш бўлган йўналиш бўйича сафарга чиқиб, хотира масканларига саёхатга чиқиб; — ишлаб чиқариш ва бошқа шошилинч муаммоларни ҳал этиш билан машғул бўлиш; — ҳар қандай вазифаларни бажаришда аниқлик ва қатъий тартибга риоя этиш; — буш вақтингизнинг ҳаммасини дам олиш ва уйқуга бағишлаш тавсия этилади. Анча-мунча жиддий ҳаракатлар қилиш, йўлда эҳтиётсизликка йўл қўйиш, сув ва бошқа суюқликлар билан пала-партиш муносабатда бўлиш, саломатлигингизга ва айниқса жигар атрофларидаги оғриққа бепарво бўлишдан эҳтиёт бўлинг.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яқинбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нухсада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6